# XALQ DEPUTATLARI ZOMIN TUMANI KENGASHI QARORI

2022 - yil 22 - fevral VI-33-22-3-48-K/22 Zomin tumani hokimligi

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш, шунингдек, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид дастурини амалга ошириш орқали аҳолининг фаровонлиги ҳамда турмуш даражасини янада юксалтириш мақсадида тақдим қилинган дастурни муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Халқ билан очиқ мулоқот натижалари асосида тайёрланган “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги еттита устувор йўналишдан иборат 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга

оширишга оид давлат дастурининг туманда ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 1-иловага;

Давлат дастурини туманда ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури бажарилишини мувофиқлаштирувчи туман Ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимининг соҳалар бўйича ўринбосарлари, туман ҳокимлиги таркибий бўлинмалари, масъул ташкилотлар ушбу комплекс чора-тадбирлар дастурига киритилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминласин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари – ишчи гуруҳ раҳбари З.Омонқулов:

- тумандаги масъул корхона ва ташкилотлар томонидан Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, унинг жойларда ижро этилиши устидан тизимли назоратни таъминласин;

Давлат дастурида белгиланган тадбирларни тумандаги ижроси тўғрисидаги маълумотларни ўз муддатларида вилоят ҳокимлигига тақдим этиб борсин.

5. Тумандаги масъул корхона ва ташкилотлар:

уч кун муддатда 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастуридан келиб чиқиб дастурларини ишлаб чиқсин;

Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар, туман ҳудудининг ижтимоий ривожланиш даражасини ошириш соҳасидаги тегишли тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминласин;

Давлат дастурида назарда тутилган устувор йўналишларнинг бажарилиши тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотларни ҳар ойнинг 25 санасига қадар туман Ишчи гуруҳига тақдим этиб борсин.

6. Туман ҳокимининг соҳалар бўйича ўринбосарлари Давлат дастурининг ижросини бандма-банд таҳлил қилиб, ўтказиладиган йиғилишларда дастур ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган

ишларни танқидий кўриб чиқсин.

7. Туман ҳокимлиги Давлат дастурининг ижросини ҳар ойда халқ депутатлари туман Кенгаши йиғилишларида муҳокама қилиб боришни ташкил этсин.

8. Туман Адлия бўлими (М.Алимқулов) Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш, мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда халқ депутатлари туман Кенгаши йиғилишларида муҳокама қилиб боришни ташкил этиш тавсия этилсин.

9. “Шарқ тонги” газетаси (Х.Сиддиқов) га мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориш ҳамда Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ижроси тўғрисидаги холис ва тўлиқ маълумотларни жамоатчиликка тезкорлик билан етказиш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг соҳалар бўйича ўринбосарлари ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссиялар раислари зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **А.Абдуганиев**

Халқ депутатлари Зомин туман
Кенгашининг
2022 йил 22 февралдаги
VI-33-22-3-48-К/22-сон қарорига
1-илова

## Давлат дастурини туманда ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури бажарилишини мувофиқлаштирувчи туман Ишчи гуруҳи таркиби

З.Омонқулов - туман ҳокимининг молия – иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, **туман ишчи гуруҳи раҳбари**

**Ишчи гуруҳ аъзолари**

И.Алиқулов - туман прокурори

Ф.Тўйчиев - туман ички ишлар бўлими бошлиғи

Ғ.Ачилов - Туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

Т.Усмонқулов - Туман ҳокимининг қурилиш коммуникацияларни ривожлантириш экологик ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари

Х.Яхшибоев - туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари

И.Оролов - туман ҳокимининг ўринбосари - инвеститсия ва ташқи савдо бўлими бошлиғи

С.Пармонов - Туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

А.Абилов - туман ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари

Б.Жонтурсунов - туман ҳокимининг ўринбосари - Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи

Б.Қўйбоқов - туман туризм ва спорт бўлими бошлиғи в.в.б

М.Ғоибназаров - Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти мудири

Б.Бердимуродов - туман ҳокимлиги Ахборот ҳизмати маркази раҳбари

Ш.Тўраев - туман ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари

Д.Маматқулов - туман молия бўлими бошлиғи

А.Мамадалиева - туман бандликка кўмаклашиш маркази бошлиғи

| | | |
|---|---|---|
| Ф.Ўралов | - | Давлат кадастри палатаси туман бўлими бошлиғи |
| О.Каримбердиев | - | Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи |
| Н.Азимов | - | “Сув оқова” МЧЖ раҳбари |
| У.Бўронов | - | Автомобил йўллари бўлими бошлиғи |
| Ж.Ахмедов | | “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖнинг раҳбари |
| Б.Оқилов | - | “Ҳудудгаз” газ таъминоти филиали бошлиғи |
| Р.Мамадаминов | - | Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи |
| Ё.Яхшибоев | - | туман ветеренария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими |
| А.Ишназаров | - | Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси |
| А.Эргашев | - | Туман халқ таълими бўлими мудири |
| Ш.Арипова | - | Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи в.б |
| Б.Шукуров | - | Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши раиси |
| Ғ.Сайдуллаев | - | туман Маънавият ва марифат маркази раҳбари |
| И.Умурзоқов | - | туман маданият бўлими бошлиғи |
| Лавозими бўйича | - | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари |